

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЛИМОНЧИЛИКНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИ  
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН  
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ – 2024**



**ЛИМОНЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИ  
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН  
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА**

**Тошкент – 2024 йил**

Лимончиликни ташкил этиш ва ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. – 26 бет.

Мазкур услубий қўлланма лимончилик соҳасини ривожлантириш мақсадида субсидия ажратиш ва бошқа тадбирларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим. Ушбу услубий қўлланма **тавсиявий хусусиятга** эга.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024 йил

## **МУНДАРИЖА**

Лимончиликни ташкил этиш ва ривожлантиришга доир қонунчилик ҳужжатлари рўйхати.....	3
Кириш .....	4
Лимончилик тармоғини ривожлантиришга доир умумий масалалар .....	5
Лимончилик иссиқхоналарини барпо этишда муқобил энергия қурилмалари учун субсидия ажратиш .....	8
Муқобил энергия қурилмаларидан фойдаланиш юзасидан мониторинг олиб бориш .....	13
Янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш .....	15
Иловалар.....	21

# ЛИМОНЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3586-сон Қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 февралдаги “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4610-сон Қарори



Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги “Муқобил энергия орқали ишлайдиган иситиш тизимини жорий этган лимон етиштирувчиларни, шунингдек, янги лимонзор-ларни барпо этиш ва кўчатлар харид қилишни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом



# КИРИШ

Ўзбекистонда лимон кўчатларини етиштириш ва лимон етиштирувчи иссиқхона хўжалиklarини ташкил этишни жадал ривожлантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш ҳамда инновацион технологиялар асосида лимон етиштиришни комплекс ривожлантириш мақсад қилинган.


Шу мақсадда республикада лимончилик тармоғини мустаҳкамлаш ва лимонзорлар майдонини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш борасида изчил чоралар амалга оширилмоқда.

Жумладан, республикада 2018-2019 йилларда 46 млн АҚШ доллари миқдоридаги хорижий кредит линиялари жалб қилиниб, 730 гектар майдонда замонавий лимонзорлар барпо этилди, лимон етиштириладиган иссиқхоналар умумий майдони 1 221 гектарга етказилди.

Ўз навбатида, мазкур соҳани тобора ривожлантириш учун қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларини қўллашнинг ягона амалиётини йўлга қўйиш долзарб масала ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, Лимончиликни ташкил этиш ва ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича **услугий қўлланма** ишлаб чиқилди. Мазкур Қўлланма қишлоқ хўжалиги органлари хизматчилари, шунингдек, тадбиркорлар ва соҳада фаолият юритаётган бошқа шахслар учун мўлжалланган.

# ЛИМОНЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР УМУМИЙ МАСАЛАЛАР

 2020 йил 1 мартдан бошлаб лимонзорларни барпо этишнинг янги тартиби жорий этилган:

## **Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги:**

янги барпо этиладиган лимонзорлар учун **стандартларни** (кўчат нави ва сифати, экиш схемаси, иссиқхонага қўйиладиган талаблар, ресурс тежовчи технологиялар ҳамда бошқалар) белгилайди

лимончилик тармоғини ривожлантиришда **илғор хорижий тажриба** ва ресурс тежовчи **инновацион технологиялар** жорий этилишини ташкил қилади

лимонзорларни ташкил этиш харажатларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг **имтиёзли ресурслари** ва **грант маблағларини** жалб этиш чораларини кўради

қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлар иштирокида ташкил этиладиган кооперациялар (кластерлар) раҳбарлари ва лимон етиштирувчилар учун **ўқув-семинарларни** ташкил қилади

сертификатланган ва кафолатланган лимон кўчатларини етиштириш бўйича **махсус кўчатхоналарни** ташкил этади ҳамда лимон кўчатларини етиштирувчи хўжаликлар фаолиятини мувофиқлаштиради


## **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:**

кооперация (кластер) асосида ишлайдиган қайта ишлаш корхоналари ва **экспорт қилувчи ташкилотлар рўйхатини** шакллантиради ҳамда уларга лимон етиштирувчиларни бириктиради

лимонзорлар учун талаб қилинган **ер майдонларининг қисқа муддатларда ажратилишини** ва белгиланган стандартлар асосида барпо қилинишини таъминлайди



ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, белгиланган **агротехник тадбирларни** ўз муддатида амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилайди

 **қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлар иштирокида ташкил этиладиган кооперациялар (кластерлар):**

лимон етиштирувчилар билан ўзаро ҳамкорлик асосида кооперация фаолиятини йўлга қўйиш, етиштирилган маҳсулотни **саралаш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш** бўйича самарали иш юритиш тизимини жорий қилади

лимонзорларни барпо этади ва уларни **лизинг шартлари асосида** узоқ муддатга тадбиркорлик субъектларига беради, агротехник тадбирларни амалга ошириш учун мутахассис ажратади, илмий асосланган **агрономик тавсиялар** бериб боради

лимон етиштирувчилар талаби асосида уларни **лимон кўчатлари, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари** ва бошқа **моддий-техника ресурслари** билан таъминлайди;


соҳа олимлари ва кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисларни жалб қилиб, лимон етиштирувчиларнинг **малакасини ошириб** боради

 **маҳсулот етиштирувчилар:**

кооперация талаблари асосида лимон кўчатларининг **тўлиқ экилишини, агротехник тадбирларнинг** ўз вақтида **бажарилишини** таъминлайди

лимонзорларни барпо этиш бўйича харажатларнинг келишилган қисми бўйича **дастлабки тўловларни** амалга оширади

тузилган шартномаларга мувофиқ етиштирилган маҳсулотларнинг белгиланган вақтда ва сифатда **етказиб берилишини** таъминлайди

 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 февралдаги **“Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-4610-сон қарори билан қуйидагилар белгиланган:

✔ лимонзорлар пахта ва ғалладан бўшаган ҳамда фойдаланишга киритиладиган ер майдонларида ресурс тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда барпо этилади;

✔ янги лимонзорлар “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида ажратиладиган, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан барпо этилади.

**2020 йил 1 мартдан бошлаб кооперацияларга бирлашган лимон етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларига:**



янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ҳар бир сотихи учун 300 минг сўмдан ошмайдиган миқдори Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан;



лимон меваларининг экспорти билан боғлиқ транспорт (темир йўл ва авиация транспорти) харажатларининг 25 % игача бўлган миқдори Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан субсидия сифатида қоплаб берилади.

»»» Ажратилган субсидиялардан **мақсадли фойдаланиш ва тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини** Давлат молиявий назорати инспекцияси назорат қилади.



Кооперацияларга бирлашган тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.12.2019 йилдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4549-сон қарорида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилади.

# ЛИМОНЧИЛИК ИССИҚХОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ ҚУРИЛМАЛАРИ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ

»»» Лимон етиштиришни мақсад қилган **қишлоқ хўжалиги ташкилотлари** иссиқхоналарда қўллаш учун сотиб олган муқобил энергия қурилмалари қийматининг **30 % гача бўлган қисми** Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан бир марта қоплаб берилади.

»»» **Талабгор** – **қишлоқ хўжалиги ташкилоти** субсидия олиш учун ушбу субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда ариза беради.

Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табiiй газга нисбатан) орқали ишлайдиган янги иситиш қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман комиссиясининг

## **НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Туман ҳокими, *ишчи гуруҳ раҳбари*
2. Туман ҳокими ўринбосари — инвестициялар, саноат ва савдо бўлими бошлиғи, *ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари*
3. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
4. Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғи
5. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи
6. Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи
7. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши раиси
8. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими масъул ходими, *ишчи гуруҳ котиби*

»»» Комиссия 5 иш кунда ўрнатилган қурилмани жойига чиққан ҳолда қуйидаги кўрсаткичлар асосида ўрганади:

✓ қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан ўрнатилган муқобил энергия қурилмалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ янги сотиб олинганлигини;

✓ ўрнатилган муқобил энергия қурилмаларининг энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига (паспортига), техник талабларига мувофиқлиги ҳамда белгиланган тартибда ўрнатилганлиги;

✓ ўрнатилган муқобил энергия қурилмаларининг лимон етиштириладиган иссиқхонани иситиш учун талаб этиладиган қувватга эгаллиги ва иссиқхона майдонининг қурилма қувватига мувофиқлиги;

✓ иссиқхона лойиҳа параметрларига мувофиқ қурилганлиги;

✓ лимон кўчатларининг экилиш схемасига амал қилинганлиги.

»»» Муқобил энергия қурилмалари мазкур талабларга мувофиқ бўлса, Комиссия **ижобий хулоса**, агар номувофиқ бўлса, **салбий хулоса** беради.



Ариза ва хулоса **намуналари** Қўлланмага **1, 2-иловаларда** берилган.



**Қишлоқ хўжалиги ташкилоти комиссиянинг ижобий хулосасини олгач 5 иш кунда Агентликка ёзма ёки электрон шаклда қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:**

Субсидия бериш тўғрисида ариза	Муқобил энергия қурилмаларини сотиб олиш бўйича шартнома нусхаси ва тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат	Муқобил энергия қурилмаларининг техник паспорти	Комиссиянинг ижобий хулосаси
--------------------------------	---	---	------------------------------



*Аризада юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), сўралаётган субсидиянинг суммаси, хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи ва банкдаги ҳисобварағи кўрсатилган бўлиши керак.*

»»» Агентлик қишлоқ хўжалиги ташкилотининг ҳужжатларини **3 иш кун ичида** ўрганиб чиқиб, Жамғарма кенгашига киритади.

**Агар ҳужжатлар юқоридаги талабларга мувофиқ бўлмаса:**

✔ Агентлик лойиҳа ташаббускори – қишлоқ хўжалиги ташкилотини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади.

✔ Ёзма равишда хабардор қилинган камчиликлар **7 иш кунда** бартараф қилинмаса, ҳужжатлар қишлоқ хўжалиги ташкилотига қайтариллади.

✔ Қишлоқ хўжалиги ташкилоти қайтарилган ҳужжатлар бўйича мавжуд камчиликларни тўлиқ бартараф этгач уларни Комиссияга қайта тақдим этиши мумкин.

»»» Қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар Жамғарма кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

**Кенгашнинг йиғилиши** бир ойда камида **бир мартаба** ўтказилади.

**Жамғарма кенгаши ҳужжатларни кўриб чиқиш  
натижаси бўйича қуйидаги қарорлардан бирини  
қабул қилади:**

маблағлар ажратиш

маблағлар ажратишни рад этиш

Жамғарма кенгашининг қарори **хулоса** шаклида расмийлаштирилади.

**Субсидия ажратиш рад этиладиган ҳолатлар:**

1

• тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар ҳақиқий ҳолатга тўғри келмаса

2

• қишлоқ хўжалиги ташкилоти муқобил энергия қурилмаларини имтиёзли шартларда бюджет маблағлари, халқаро молия институтлари ва донор ташкилотлар кредитлари ёки бошқа субсидияларни тақдим қилиш шартлари асосида сотиб олган бўлса

3

• муқобил энергия қурилмаларини сотиб олиш юзасидан шартнома имзоланган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ муддат ўтган бўлса

4

• ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса



Юқорида назарда тутилмаган бошқа ҳолатлар асосида субсидия ажратиш рад этиш **мумкин эмас**.





Жамғарма кенгаши қароридан норози бўлган шахслар белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга **шикоят қилишлари мумкин.**

- »»» Агентлик Жамғарма кенгаши томонидан қабул қилинган қарор тўғрисида қишлоқ хўжалиги ташкилотини **1 иш куни ичида** хабардор қилади.
- »»» Жамғарма кенгашининг маблағ ажратиш тўғрисидаги қарори Агентлик ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ўртасида субсидия ажратиш тўғрисидаги шартномани расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.
- »»» Агентлик ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ўртасида **3 иш куни ичида** шартнома расмийлаштирилади.
- »»» Субсидия маблағи Агентлик томонидан қишлоқ хўжалиги ташкилотининг аризасида кўрсатилган асосий банк ҳисобварағига 1 ой муддатда ўтказилади.

<b>Муқобил энергия қурилмаси</b>	табиий газга нисбатан қайта тикланувчи энергия манбалари — қуёш нури, шамол, сувдан олинadиган электр ва иссиқлик энергиясини ҳосил қилувчи қурилма
----------------------------------	---



# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ ҚУРИЛМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЮЗАСИДАН МОНИТОРИНГ ОЛИБ БОРИШ

Қишлоқ хўжалиги ташкилоти иссиқхонада ўрнатилган муқобил энергия қурилмаларини **5 йил давомида** лимон етиштириш учун ва соз ҳолатда сақлаган ҳолда фойдаланиши шарт.



Бу шарт субсидия ажратиш тўғрисидаги **шартномада назарда тутилади.**

Агентлик 5 йил мобайнида шартномада кўрсатилган талабларга риоя этилиши юзасидан кўпи билан **йилда бир мартаба** мониторинг олиб боради.

Мониторинг натижаси юзасидан **2 нусхада далолатнома** тузилиб, далолатноманинг бир нусхаси Агентликда, иккинчи нусхаси қишлоқ хўжалиги ташкилотида сақланади.

Мониторинг ҳар йили **октябрь ойидан** келгуси йилнинг **апрель ойига қадар** ўтказилади.

Мониторинг натижасида қишлоқ хўжалиги ташкилоти шартнома шартини бузганлиги аниқланса, **3 иш кунда субсидияни қайтариш** ҳақида унга ёзма хабарнома юборилади.



Қишлоқ хўжалиги ташкилоти ушбу хабарномаларни олган кундан эътиборан **бир ой мобайнида** олинган субсидияни Агентликнинг махсус шахсий ҳазна ҳисобварағига қайтариши лозим.

**Субсидияни қайтариш қуйидаги миқдорда белгиланади:**

<b>1-йилда</b>	<b>100 фоиз</b>
<b>2-йилда</b>	<b>80 фоиз</b>
<b>3-йилда</b>	<b>60 фоиз</b>



4-йилда	40 фоиз
5-йилда	20 фоиз



Қишлоқ хўжалиги ташкилоти ажратилган субсидияни белгиланган муддатда қайтармаса, Агентлик субсидияни **суд тартибида ундириш** чораларини кўради.



# ЯНГИ ЛИМОНЗОРЛАРНИ БАРПО ЭТИШ ВА КЎЧАТЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАРНИНГ БИР ҚИСМИНИ ҚОПЛАШ



**Кооперацияларга бирлашган лимон етиштирувчи** фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, жисмоний шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектларига янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисми қоплаб берилди.

**Қишлоқ  
хўжалиги  
бирлашмаси  
(кооперация)**

аъзолари фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва сотиш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб борувчи юридик ва жисмоний шахсларни ўз ичига олган ташкилот



**Лойиҳа** — янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ тадбирлар мажмуи

**Лойиҳа ташаббускорлари** — янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш юзасидан мурожаат қилган ва кооперацияларга бирлашган **лимон етиштирувчи фермер** ва **деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, жисмоний шахслар** ҳамда **тадбиркорлик субъектлари**.

»»» Янги лимонзорлар барпо этиш ва кўчатлар харид қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидия ҳар бир сотих учун **300 минг сўмдан ошмайдиган** миқдорда ажратилади.

»»» Субсидия лойиҳа ташаббускорларига **Жамғарма кенгаши қарори** билан ажратилади.

»»» Субсидия янги лимонзорлар барпо қилиниб, лимон **кўчатлари экилгандан сўнг** тўланади.

### Субсидия олиш учун Агентликка ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилганда топшириладиган ҳужжатлар

- субсидия бериш тўғрисидаги ариза
- янги лимонзорлар барпо этиш учун ер участкаси мавжудлиги тўғрисида ҳужжатлар нусхаси
- қишлоқ хўжалиги бирлашмасига (кооперацияга) аъзолиги бўйича маълумотнома
- янги лимонзорларни барпо этиш лойиҳаси тўғрисида маълумот

✓ Аризада юридик шахсинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), сўраётган субсидиянинг мақсади, лойиҳани амалга ошириш жойи, хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи ва банкдаги ҳисобварағи **кўрсатилиши керак.**



Лойиҳаларни молиялаштиришнинг **аниқ манбалари кўрсатилмаса**, лойиҳалар **кўриб чиқилмайди.**

»»» Агентлик субсидия олиш учун тақдим қилинган ҳужжатларни **3 иш куни** ичида ўрганиб чиқади.

»»» Белгиланган талабларга мувофиқ бўлган ҳужжатларни Кенгашга навбатдаги йиғилишда кўриб чиқиш учун киритади.



Янги лимонзорларни барпо этиш лойиҳаси тўғрисида **маълумот шакли** Қўлланманинг **3-иловасида** берилган.

»»» Тақдим қилинган ҳужжатлар юқоридаги **талабларга мувофиқ бўлмаса** ва бошқа камчиликлар аниқланса Агентлик:

✔ лойиҳа ташаббускорини бу ҳақда хабардор қилади;

✔ лойиҳа ташаббускори томонидан йўл қўйилган камчиликлар хабардор қилинганч **7 иш кунида** бартараф қилинмаса, ҳужжатларни лойиҳа ташаббускорига **қайтаради**.

»»» Лойиҳа ташаббускори **қайтарилган ҳужжатлар бўйича кўрсатиб ўтилган камчиликларни** тўлиқ бартараф этгач ўрганиб чиқиш учун Агентликка **қайтадан** тақдим этиши мумкин.



### Субсидия ажратишни рад этиш учун асослар:

✔ субсидия олувчи белгиланган шартларга мос келмаса;

✔ субсидия олувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда Агентлик томонидан ўтказиладиган ўрганишлар орқали ишончсиз ва

нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланса.



Юқорида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари субсидия олувчига субсидия ажратишни **рад этишга йўл қўйилмайди**.

Кенгашнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги ижобий қарори субсидия бериш учун **асос** ҳисобланади.

#### Агентлик:

Кенгаш томонидан қабул қилинган қарор тўғрисида лойиҳа ташаббускорини **3 иш куни ичида** хабардор қилади.

Субсидия бериш тўғрисидаги қарор асосида лойиҳа ташаббускори билан субсидия ажратиш тўғрисида шартнома расмийлаштиради.

Ажратилган субсидиядан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари аниқласа, **молиялаштиришни тўхтатади** ва ажратилган маблағларни ундиради.

Субсидия лойиҳа ташаббускорига Жамғарма ҳисобидан тўлаб берилади.

Лойиҳа ташаббускори томонидан **барпо этилган янги лимонзорни** фойдаланишга қабул қилиш юзасидан туман ишчи комиссиясининг далолатномаси тасдиқланади.

Далолатнома Агентликка тақдим этилгандан сўнг **1 ой муддатда** субсидия ажратилади.

Янги лимонзорни фойдаланишга қабул қилиш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

лимончилик йўналишидаги лойиҳа <b>ўзига тегишли ер участкасида</b> ва иссиқхона иншоотининг белгиланган тартибга мос равишда қурилганлигини ўрганиш	Кадастр агентлиги туман бўлими, туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман қурилиш бўлими, Агро-саноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлими, фермер, деҳқон хўжалик-лари ва томорқа ер
---	--

	эгалари туман кенгаши томонидан	
✓	иссиқхона иншоотининг сув, электр энергияси ва табиий газ билан таъминланганлигини ўрганиш	туман ирригация бўлими, «Худуд-дий электр тармоқлари» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ туман филиаллари томонидан
✓	янги лимонзор ташкил этиш учун хориждан олиб келинадиган ва маҳаллий етиштирилган кўчатларнинг нав муаллифи гувоҳномаси, фитосанитар сертификати мавжудлиги ҳамда лимон кўчатларининг нави ва сифатини назорат қилиб бориш	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлими томонидан
✓	тупроқ-иқлим шароитига мослиги, экиш схемасини ўрганиш	туман қишлоқ хўжалиги бўлими, Кадастр агентлиги туман бўлими, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши томонидан
✓	янги лимончилик лойиҳасини молиялаштириш манбалари ва ҳисоб-китобларни (бизнес режани) ўрганиш	туман иқтисодиёт ва молия бўлими, Агентлик томонидан

»»» Туман ишчи комиссияси раҳбари ва аъзолари тасдиқланган далолатномаларнинг **ҳаққонийлигига масъул** ҳисобланади.

»»» **Агентлик** субсидия ажратилган лимончилик йўналишидаги лойиҳаларнинг **реестрини юритади**. Шунингдек, уларнинг фаолияти мониторинг қилиб боради.

## Янги лимонзорлар барпо этишга кўмаклашиш бўйича туман ишчи комиссиясининг Намунавий таркиби

1. Туман ҳокими, *туман ишчи комиссияси раҳбари*
2. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, *туман ишчи комиссияси раҳбари ўринбосари*
3. Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги вакили.
4. Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи.
5. Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғи
6. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи
7. Туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи
8. Туман ирригация бўлими бошлиғи
9. “Ҳудудгазтаъминот” МЧЖнинг туман филиали раҳбари
10. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг туман филиали раҳбари
11. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши раиси
12. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, *туман ишчи комиссиясининг котиби*



Лимонзорларда сув тежовчи технологияларни жорий қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисми Ҳукуматнинг 23.02.2021 йилдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талабларга мувофиқ қоплаб берилади.



# ИЛОВАЛАР

## 1-илова

**Лимон етиштириладиган  
иссиқхоналарни барпо этишда  
муқобил энергия (табiiй газга  
нисбатан) орқали ишлайдиган янги  
иситиш қурилмалари қийматининг  
бир қисмини қоплаш учун субсидия  
ажратишга кўмаклашувчи  
\_\_\_\_\_ туман комиссиясига**

“ \_\_\_\_\_ ” раҳбари  
(ташкiлот номи)

\_\_\_\_\_ томонидан  
(Ф.И.О.)

## АРИЗА

\_\_\_\_\_ худудида фаолият кўрсатаётган “ \_\_\_\_\_ ” фермер хўжалиги (МЧЖ) \_\_\_\_\_ йил жами \_\_\_\_\_ гектар ер участкасининг \_\_\_\_\_ гектар майдонида \_\_\_\_\_ усулида \_\_\_\_\_ сотих ҳажмдаги лимон етиштириладиган иссиқхонага \_\_\_\_\_ муқобил энергия қурилмаси орқали (кўмир, ўтин, мазут) \_\_\_\_\_ иситиш қувватига эга бўлган \_\_\_\_\_ қурилма сотиб олиниб, ўрнатилди.

Муқобил энергия қурилмасини етказиб берувчи “ \_\_\_\_\_ ” (МЧЖ) билан \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. \_\_\_\_\_-сон шартнома имзоланган ҳамда шартнома предметидаги ишларни бажарилганлигини тасдиқловчи томонлар ўртасида далолатномалар имзоланди.

1. Муқобил энергия қурилмаси тўғрисида маълумот:

---

---

---

---



---

---

2. Тижорат банки номи: «\_\_\_\_\_» АТБ \_\_\_\_ филиали ва ҳисобварағи \_\_\_\_\_.

Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табиий газга нисбатан) орқали ишлайдиган янги иситиш қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи \_\_\_\_\_ туман комиссиясининг хулосасини беришингизни сўрайман.

Ушбу муқобил энергия қурилмасидан лимон етиштириш мақсадида камида 5 (беш) йил муддатга мақсадли, самарали ва шикаст етказмаган ҳолда фойдаланишга кафолат бераман.

Тегишли ҳужжатлар илова қилинади.

“\_\_\_\_\_” фермер хўжалиги (МЧЖ) раҳбари

\_\_\_\_\_  
(имзо)

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

\_\_\_\_\_ тумани ҳокими,  
туман комиссияси  
раҳбари

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

**Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табиий газга нисбатан) орқали ишлайдиган янги иситиш қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи \_\_\_\_\_ туман комиссиясининг**

**ХУЛОСАСИ**

\_\_\_\_\_ туманида лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия орқали ишлайдиган янги иситиш қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича \_\_\_\_\_ туман ишчи гуруҳи «\_\_\_\_\_» фермер хўжалигининг 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги «\_\_»-сон мурожаати ўрганиб чиқилди ва қуйидагилар аниқланди:

1. Қишлоқ хўжалиги ташкилотининг номи: «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_;
2. Иссиқхона ва муқобил энергия қурилмаси тўғрисида маълумот:
  - а) иссиқхона тури: \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ сотих ўлчамли, лимон кўчати нави ва сони: \_\_\_\_\_ та, экиш схемаси \_\_\_\_\_, экин майдони \_\_\_\_\_ га, \_\_\_\_\_ — контур рақами;
  - б) муқобил энергия тури: \_\_\_\_\_ иситиш қуввати (ҳажми) \_\_\_\_\_
2. Муқобил энергия қурилмасини сотувчи номи ва у билан тузилган шартнома: «\_\_\_\_\_» (МЧЖ) \_\_\_\_\_ 202\_\_ й. \_\_\_\_\_-сон шартнома;

3. Тижорат банки номи: « \_\_\_\_\_ » АТБ \_\_\_\_\_ филиали.

### **ХУЛОСА:**

“ \_\_\_\_\_ ” фермер хўжалиги томонидан жами \_\_\_\_\_ гектарда \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ сотих ўлчамли лимон етиштириш учун барпо қилинган иссиқхонада “ \_\_\_\_\_ ” ишловчи муқобил энергия қурилмаси ўрнатилган ва мазкур қурилма \_\_\_\_\_ сотих ўлчамдаги иссиқхонани иситиш учун \_\_\_\_\_ қувватга эга, ушбу қурилмадан камида беш йил мобайнида фойдаланиш шарти билан \_\_\_\_\_ млн сўм субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

### **Туман комиссияси аъзолари:**

<b>Т/р</b>	<b>Ф.И.О.</b>	<b>Имзо, муҳр</b>	<b>Лавозими</b>
1.			Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари
2.			Туман ҳокими ўринбосари — инвестициялар, саноат ва савдо бўлими бошлиғи
3.			Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
4.			Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғи
5.			Туман иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи
6.			Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши раиси
7.			Туман қишлоқ хўжалиги бўлими масъул ходими

## Янги лимонзорлар ташкил этиш лойиҳаси тўғрисида МАЪЛУМОТ

1. Лойиҳа ташаббускори \_\_\_\_\_
2. Янги лимонзорнинг умумий майдони \_\_\_ га (лимон нави, кўчат сони, экиш схемаси, экин майдони).
3. Томчилатиб суғориш тизими жорий этиладиган майдон \_\_\_\_\_ га.
4. Лойиҳа амалга ошириладиган жойнинг манзили \_\_\_\_\_.
5. Лойиҳани амалга ошириш муддати \_\_\_\_\_ .
6. Яратиладиган иш ўрни \_\_\_ киши.
7. Лойиҳанинг умумий қиймати — \_\_\_\_\_ млн сўм ёки \_\_\_\_\_ АҚШ доллари, шундан:

Амалга ошириладиган ишлар	Лойиҳанинг умумий қиймати, млн сўм	Молиялаштириш манбалари, млн сўм		
		Лойиҳа ташаббускорларининг маблағлари	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси субсидиялари	Тижорат банклари кредитлари, бошқа манбалар ҳисобига
Иссиқхона иншоотини қуриш харажатлари				
Агротехник тадбирлар (ер ҳайдаш, чизеллаш, ерни текислаш ва бошқа ишлар)				
Тупроққа минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддалар билан ишлов бериш				
Лимон кўчатларини харид қилиш ва экиш				

Сув чиқариш учун қудуқлар ва насос станцияси қуриш				
Томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш				
Бошқа харажатлар				
<b>ЖАМИ:</b>				

*Келтирилган маълумотлар ишончли бўлиб, биз янги лимонзорни ташкил этиш бўйича лойиҳа тўлиқ ҳажмда ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишига кафолат берамиз.*

**Ташкилот**

**раҳбари** \_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(имзо)